# ЯНГИЛАНИШ, ЮКСАЛИШ ВА МЕҲР-САХОВАТ АЙЁМИ

## Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Наврўз тантаналари кўтаринки руҳда ўтди



***(Давоми. Бошо биринчи бетда)***

Зеро, Наврўз — ўзаро меҳр-оқибат, қадр-қиммат, хайру саховат тимсоли. Ота-боболаримиз бундай кунларда етим-есир, бева-бечоралар, хастаю муҳтожларга меҳрибонлик, саховат ва мурувват кўрсатишга шошилган, гина-кудуратлар унутилган.

Буни ҳаётимизнинг барча жабҳаларида, одамларимизнинг қалбида, онгу шуурида намоён бўлаётган меҳр-оқибат, мурувват, бағрикенглик каби инсоний фазилатлар ва юртдошларимизнинг эртанги кунга кучайиб бораётган ишончи тўла тасдиқлайди.

Истиқлол йилларида миллатимиз тийнатига хос ана шу инжа хислатлар қайтадан қадр топди. Мўътабар қарияларимиз, ота-оналаримизнинг ҳурмат-эҳтиромини жойига қўйиш, бир-биримизга меҳр-оқибат ва мурувват кўрсатиш, катталарга ҳурматда ва кичикларга иззатда бўлиш, жамиятимизда ҳеч ким ёлғиз эмаслиги, ҳеч ким эътиборсиз ва қаровсиз қолмаслиги каби халқимизнинг азалий фазилатлари тикланмоқда, ривож топмоқда. Бу йил мамлакатимиз бўйлаб эзгу ва хайрли юмушларни амалга ошириш кўламлари тобора кенг тус олаётир.

Буюк аждодларимиз асрлар давомида яратган беқиёс маънавий ва маърифий меросимизни, миллий қадриятларимизни янада бойитиш ва ривожлантириш, ана шу бой меросга таяниб фарзандларимизни етук инсонлар этиб вояга етказиш борасидаги хайрли ишларимиз изчил давом этади. Илло, халқимиз катта тўйлар арафасида турибди. Жорий йилда юртимизда Соҳибқирон Амир Темур ҳазратларининг 670 йиллиги, Маъмун академиясининг 1000 йиллиги, Қарши шаҳрининг 2700 ва Марғилоннинг 2000 йиллик юбилейлари кенг нишонланади.

Асрлар давомида Наврўз кунлари халқимиз ёппасига қир-адирларга, кўча ва хиёбонларга, гузар ва сайилгоҳларга сайилга чиққан. Диёримиз бўйлаб бахшилар айтишуви, лапарлар, ҳазил-мутойиба, қўшиқлар, халқ термалари, аскиячилар пайрови янграган. Улоқ-кўпкари, пойга, кураш, мерганлик каби томошалар ўтказилган. Дорбозлар, масхарабозлар, қўғирчоқбозлар, полвонлар ўз санъатини намойиш этганлар.

Ранг-баранг ашула ва рақс, мақом ансамбллари, эстрада-симфоник оркестри, хор жамоалари, театрлар, турли билим юртлари бадиий жамоаларининг ўзига хос дастурлари, халқ ўйинлари, қўшиқ, лапар ва рақслари ижросида қадимий ҳамда навқирон байрамимизнинг ана шу хилма-хил, ноёб қирралари моҳирона акс эттирилади.

Ҳа, бугун Ўзбекистон аҳли қанча байрам қилса — шунчалар муносибдир. Истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ мамлакатимизда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан амалга оширилаётган кенг қамровли ҳаётбахш ислоҳотлар ўзининг юксак самараларини бераётир. Ўтган давр мобайнида демократик янгиланиш ва иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, иқтисодиётни эркинлаштириш йўлида улкан қадамлар қўйилди.

Иқтисодиётни тизимли ва таркибий жиҳатдан изчил янгилаш, либераллаштириш жараёнларини кенгайтириш ва чуқурлаштириш, моддий ресурслар ва тайёр маҳсулотларни реализация қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини эркинлаштириш, хусусий секторни кенгайтириш, кичик бизнес, фермер хўжаликлари ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш, давлат ва назорат тузилмаларининг корхоналар



молия-хўжалик фаолиятига аралашувини кескин қисқартириш, хўжалик субъектлари ҳамда тадбиркорликнинг иқтисодий эркинлиги ва ҳуқуқларини сезиларли кенгайтириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди.

Бунинг натижаси ўлароқ, ўтган йили бюджет соҳаси хизматчиларининг ойлик иш ҳақи, пенсиялар, стипендия ва нафақалар ўртача 40 фоизга оширилди. Ўз навбатида, бу аҳолининг реал даромадларини 22 фоизга кўпайтириш учун асос бўлди.

Фикримизни тасдиқлагандек, дилбар қўшиқлару лобар рақсларда, ёрқин саҳна безакларида, байрам иштирокчиларининг хушнуд қиёфаларида эришган ютуқларимиздан фахрланиш ва мамнуният туйғулари барқ уради. Буюк келажагимиз ворислари — навқирон авлод вакилларига навбат келади. Майдон жажжи болакайларнинг кулгуси ва шўх-хандон қийқириқларига тўлади. Шодон қўшиқлар ва чаққон рақслардан кўнгиллар яйрайди. Болалар табассумига не етсин. Зеро, бу бахтиёр болаликдан, мустақил юрт фарзандларининг беғубор ва қувноқ дамларидан дарак.

Мамлакатимизда фарзандлар таълим-тарбияси, соғлиғи учун ғамхўрлик ҳар томонлама эътиборда турибди. Мактаб таълимини ривожлантириш, хотин-қизларимизнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини оширишга қаратилган истиқболли дастурларни рўёбга чиқариш борасида ҳам салмоқли натижалар қўлга киритиляпти. Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш, суд-ҳуқуқ тизимини янада эркинлаштириш борасида янги, самарали чоралар кўрилмоқда.

Давлатимиз ташқи сиёсатида Ўзбекистон манфаати устувор аҳамият касб этади. Бу борада миллий манфаатларимиз мос келадиган мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар билан самарали ҳамкорлик, очиқ мулоқот йўлидан собит бораяпмиз. Шанхай Ҳамкорлик ташкилоти доирасидаги алоқаларнинг сифат жиҳатдан бутунлай янги босқичга кўтарилганида Ўзбекистоннинг алоҳида ўрни бор. Мамлакатимиз Евроосиё иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо бўлди.

2005 йилда мамлакатимиз дунёнинг қарийб 150 давлати билан савдо-сотиқ муносабатларини фаол ривожлантирди. Натижада Ўзбекистоннинг ташқи савдо ҳажми 9,6 фоиз ўсди ва 9 миллиард 500 миллион долларни ташкил этди. Ўтган йилдаги асосий савдо ҳамкорларимиз сифатида Россия, Жанубий Корея, Туркия, Қозоғистон, Хитой, Эрон, Буюк Британия, Украина, Германия, АҚШ каби давлатларни қайд этиш мумкин.

Айниқса, Россия Федерацияси билан иттифоқчилик муносабатларимиз ҳар томонлама ривожланмоқда. Наврўз кунлари Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг мамлакатимизда давлат ташрифи билан бўлиши наинки икки дўст ва қардош мамлакат ўртасида, айни чоғда Марказий Осиё минтақасида ҳар томонлама ҳамкорлик алоқалари янги босқичга кўтарилишида муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз...



Ҳавода ранго-ранг шарлар учади. Ўзбекни, Ўзбекистонни мадҳ этувчи, ўзликни улуғловчи яллалардан сўнг халқ маросимлари ва миллий спорт ўйинлари мисолида халқимизнинг миллий ўзига хос фазилат ва хислатлари тараннум этилади.

Байрам арафасида шаҳар ва қишлоқларимизда кўплаб янги иншоотлар, корхоналар, ўқув муассасалари қуриб битказилди. Бундай саъй-ҳаракатларнинг мазмун-моҳиятида, аввало, халқимиз фаровонлигини, юртимиз тараққиётини таъминлаш, Ўзбекистоннинг жаҳон майдонидаги обрў-эътиборини янада юксалтиришдек хайрли ниятлар мужассамдир.

Она Ватанимизнинг тинчлиги, сарҳадларимиз дахлсизлиги, ҳаётимиз барқарорлигини, миллатлараро тотувликни асраб-авайлашимиз ва янада мустаҳкамлашимиз керак. Хонадонимизга таҳдид солаётган халқаро терроризм, диний экстремизм, наркотик каби бало-қазоларни остонамизга мутлақо яқин йўлатмаслик учун ҳушёрликни, огоҳликни, биргаликда курашишни асло сусайтирмаслигимиз даркор.

Кўз ўнгимизда Наврўзнинг асл моҳияти яна бир бор намоён бўлади. Озод диёримизда бир тану бир жон бўлиб яшаётган турли миллат ва элатлар вакилларининг бадиий чиқишлари қалбларни фахрга тўлдиради.

Саҳна томошалари қизиганданқизийди. Санъат усталари, эстрада юлдузлари, ёш санъаткорларнинг она юртни, истиқлолни, Наврўзни, баҳор ва муҳаббатни мадҳ этган чиқишлари қалбларни тўлқинлантиради. Мусиқий оҳанглар, дилтортар рақслар, фусункор саҳна манзаралари кишига завқ-шавқ бағишлайди.

Куй-қўшиқ ва алёрларда жонажон Ватан тараннум этилади.

Бундай шукуҳли дамларда аждодлардан бизга, биздан авлодларга мерос шу Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуси жону танимизга янада теранроқ сингаётгандек. Наврўз шодиёналарининг жозибаси, бутун кўрку тароватi ҳам аслида шунда!..

Миллий боғ бўйлаб ўтган йўлак теграсида турли қандолат, нозneъмат дўконлари, миллий ҳунармандлар расталари, чорпоялар ўрнатилган. Дошқозонлар бошида пазандалар сайил аҳлини сумалак, ҳалим каби турфа таомлар билан сийлайдилар.

Байрам томошаларидан сўнг Президент Ислом Каримов ҳунармандлар, савдо вакиллари, пазандалар билан суҳбатлашди.

— Баҳорни ҳар бир халқ ўз урф-одатларига хос тарзда кутиб олади, — деди мамлакатимиз раҳбари журналистлар билан суҳбатда. — Наврўзда наинки табиат, айни чоғда кишиларнинг ҳис-туйғулари ҳам уйғонади. Кўнглида орзу-умидлар барқ уради. Наврўз юртимизда мана шундай шодиёна ва хайрли айём сифатида нишонланаётгани ўзлигимиз, ўзига хослигимизнинг яна бир намойиши, аҳил ва иноқ халқ эканимизнинг далолатидир. Эртанги кунимизнинг суръати, натижалари бугунгидан ҳам сермаҳсул ва хосиятли бўлади.

Юртимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида Наврўз сайиллари давом этмоқда.

**Ғулом МИРЗО,**
**ЎзА шарҳловчиси.**
**СУРАТЛАРДА: байрам тантаналаридан лавҳалар.**
**Абдувоҳид ТЎРАЕВ, Рўзмат ЖУМАНИЁЗОВ олган суратлар.**

▼ Muloqot

## ЖАРИМА СОЛИНАДИ

***— Биз кўп қаватли уйда яшаймиз. Қўшниларимиздан бири уйида ит боқади. Албатта, бунинг ноқулай томонлари ҳам йўқ эмас. Масалан, итнинг бемаҳал аккиллаши баъзан тинчимизни бузиши мумкин. Айтинг-чи, қўшнимнинг бу хатти-ҳаракати тўғрими? Унга нисбатан бирор-бир чора кўриш мумкинми?***

**А.ЖОВЛИЕВ,**
**Термиз шаҳри**

— Албатта, уйда ит боқиш таъқиқланмайди. Лекин бунинг учун муайян тартиб-қоидаларга амал қилиш лозим. Нега деганда, бу қоидаларни бузиш бевосита маъмурий жавобгарликни келтириб чиқаради. Яъни **"Маъмурий жавобгарлик тўғрисида"**ги кодекснинг 110-моддасига мувофиқ, шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларида ит ва мушук боқишнинг қоидаларини бузиш, шунингдек, мансабдор шахслар чораларини кўрмаганлик;

фуқароларга энг кам иш ҳақининг ўндан бир қисмидан иккидан бир қисмигача, мансабдор шахсларга эса — иккидан бир қисмидан бир бароваригача миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик фуқароларнинг соғлиғи ёки мол-мулкига зарар етишига олиб келса:

фуқароларга энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса бир бараваридан икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

## ТЕНГ ТАҚСИМЛАНАДИ

***— Саволим шундан иборатки, тўйда куёв-келинга ҳадя тариқасида ва бошқа йўсинда берилган совғалар кейинчалик баъзи сабабларга кўра никоҳ бекор қилинганда қандай тартибда тақсимланади?***

**М.АЛИЕВА,**
**Тошкент шаҳри**

— Тўй муносабати билан келинга бериладиган сеп, сарпо, келинсалом, чарлар ва чақириқ каби маросимларда эр ёки хотиннинг шахсий фойдаланувига берилган совғалар эр ва хотиннинг ҳар бирининг ўз хусусий мулки ҳисобланади. (Оила кодексининг 25 ва 26-моддалари).

Агар тортиқ келинсалом, чақириқ, чарлар, туғилган кун сингари маросимлар муносабати билан эр-хотиннинг умумий фойдаланувига берилган квартира, автомашина, гилам, телевизор, магнитафон, мебель, музлатгич каби совға бўлса, бу мол-мулк эр-хотиннинг никоҳ давомида орттирган, яъни биргаликдаги умумий мулки ҳисобланади, шу боиси улар никоҳ бекор қилинган пайтда тенг тақсимланади.

## МЕРОСГА ҲАҚЛИМИЗМИ?

***Биз оилада 6 (4 ўғил ва 2 қиз) нафар фарзанд эдик. Ота-онамиз вафот этгач, ҳовлида катта акам оиласи билан яшай бошлади. Орадан йиллар ўтиб акам ҳам вафот этди. Ўша ҳовлининг ёнидан иккинчи акамнинг уй қуриш нияти бор эди. Ер кам бўлганлиги учун у ўзи туғилиб ўсган ҳовлининг озроқ қисмини қўшиб олмоқчи бўлди. Аммо бунга марҳум акамнинг хотини ва фарзандлари розилик беришмади. Айтингчи, биз, яъни қолган фарзандлар ҳам ҳовлига меросхўр сифатида даъвогарлик қилишимиз мумкинми?***

**Х.РУСТАМОВ,**
**Вобкент тумани**

— Сизнинг бу саволингизга жавобан шуни айтиш кераки, Фуқаролик кодексининг 1118-моддаси, 1-қисми бўйича меросхўрлар қаторига қуйидагилар киради: **мерос очилган пайтда ҳаёт бўлган фуқаролар, шунингдек, мерос қолдирувчининг ҳаётлик пайтида ҳомила ҳолида бўлган ва мерос очилгандан кейин тирик туғилган болалари васият ва қонун бўйича меросхўр бўлиши мумкин.**

Шу билан бирга ушбу кодекснинг 1135-моддасида қонун бўйича биринчи навбатдаги ворислар ҳақида ҳам сўз юритилиб, **мерос қолдирувчининг болалари (шу жумладан, фарзандликка олинган болалари), эри (хотини) ва ота-онаси (фарзандликка олувчилар) тенг улушларда қонун бўйича биринчи навбатдаги ворислик ҳуқуқига эга бўладилар. Мерос қолдирувчининг вафотидан кейин туғилган болалари ҳам биринчи навбатдаги ворислар жумласига киради, дея қайд этилган.**

Демак, уй акангизга васият бўйича мерос қилиб қолдирилмаган бўлса-да, сизлар ҳам қонун бўйича тенг улушда ворис ҳисобланасиз.

**Саволларга ҳуқуқшунос Саломат НИЁЗОВА жавоб берди**

*Ўзбекистон — Қозоғистон:*

## ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

***(Давоми. Боши биринчи бетда)***

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Президентлар музокаралар самарали кечганидан мамнуният билдириб, мулоқотлар ишчан кайфиятда, ўзаро ишонч руҳида ўтганини таъкидладилар.

Президент Ислом Каримов ташриф натижаларига юксак баҳо берар экан, бугун эришилган келишувлар, имзоланган ҳужжатлар ўзаро муносабатларимизни ривожлантиришнинг янги имкониятларини очишини, мамлакатларимиз манфаатларига ва ҳамкорликни янги поғонага кўтаришга хизмат қилишини таъкидлади. Музокараларда ўзаро муносабатларга доир кенг қамровдаги масалалар кўриб чиқилгани, БМТ, Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти, ШҲТ, МДҲ каби халқаро тузилмалар доирасида баҳамжиҳат ҳаракат қилиш, хавфсизликни биргаликда таъминлаш, яқин даврда Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш борасида кўп томонлама ҳужжатни имзолаш борасида фикрлар бир жойдан чиққанини қайд этди.

Ислом Каримов Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги муносабатлар ҳақида турли уйдирмалар пайдо бўлаётганига тўхталиб, ҳар бир мамлакат ўз мустақил сиёсатига эга бўлиши, ўз миллий манфаатларини ҳимоя қилиши ва унинг баъзи қарашлари бошқа бир давлатникидан фарқланиши мумкинлигини табиий ҳол, деб атади. Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги муносабатларга доир айрим гаплар уйдирмадан ўзга нарса эмаслигини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон Президенти Қозоғистондан ишбилармонларнинг катта делегацияси ташриф буюргани ва Тошкентда икки мамлакат иш одамларининг бизнес-форуми ташкил этилаётганини қайд этди. Қандай имкониятлар ишга солинмаётгани, қандай қилиб улардан тўла фойдаланишни йўлга қўйиш мумкинлигини муҳокама этиш учун бу жуда қулай фурсат ва яхши имкониятдир, деди Ислом Каримов.

Нурсултон Назарбоев ташриф натижалари Ўзбекистон — Қозоғистон муносабатларини ривожлантиришда, шунингдек, умуман Марказий Осиёда интеграция жараёнларини фаоллаштиришда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

— Илк сафаримни серқуёш Тошкентга давлат ташрифи билан бошлаганим тасодиф эмас. Чунки биз нафақат қўшнилар, балки қон-қардошлармиз. Қозоғистон Ўзбекистоннинг Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига аъзо бўлганини тўла қўллаб- қувватлайди. Мамлакатларимиз Абадий дўстлик тўғрисидаги шартномага мувофиқ алоқаларни ривожлантириб келмоқда. Ўйлайманки, бир маҳаллар ядровий тадқиқотлар ўтказилган жойда шу йилнинг ўзида Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш бўйича якуний ҳужжат имзолаймиз. Ташқи сиёсат маҳкамалари бу ишга алоҳида эътибор қаратадилар, — деди Нурсултон Назарбоев.

Куннинг иккинчи ярмида Ислом Каримов ва Нурсултон Назарбоев "Интерконтиненталь" меҳмонхонасига ташриф буюриб, икки мамлакат ишбилармонларининг бизнес-форумида иштирок этдилар. Президентлар қатнашчиларга муваффақият тилаб, ўзаро ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантиришга даъват қилдилар.

Ўзбекистон ва Қозоғистон раҳбарлари Тасвирий санъат галереясини бориб кўрдилар. Бу ерда Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки коллекциясининг доимий кўргазмаси билан бирга, "Баҳор. Аёл. Гул" гуллар кўргазмаси ташкил этилган, шунингдек, Ўрол Тансиқбоев асарлари, И.Савицкий номидаги Қорақалпоғистон давлат санъат музейи коллекциясидан расмлар намойиш этилмоқда. Нурсултон Назарбоев галерея юксак савияда ташкил этилганини, Ўзбекистонда тасвирий санъат ривожига алоҳида эътибор берилаётганини таъкидлади.

Қозоғистон раҳбари мамлакатимизнинг бош майдонидаги "Мустақиллик ва эзгулик монументи" пойига гул қўйди. Нурсултон Назарбоев ҳурриятимиз ва эзгу ниятларимизни ифода этувчи ушбу монументни зиёрат қилган илк олий мартабали меҳмон бўлди.

Қозоғистон Президенти Сенат биносини ҳам кўздан кечирди, Ўзбекистон парламентининг юқори палатаси фаолияти билан танишди.

— Ўзбекистонга ҳар сафар келганимда юртингиз йилдан-йил иқтисодий юксалиб бораётганига гувоҳ бўламан, — деди олий мартабали меҳмон. — Пойтахтингиз ҳар сафар мени янги бунёдкорлик мўъжизалари билан кутиб олади. Тасвирий санъат галереяси, "Мустақиллик ва эзгулик монументи" ҳамда Сенат биноси бу сўзларимнинг яққол тасдиғидир. Сенат биноси ўзига хос меъморий ечимга эга маҳобатли ва муҳташам иншоот эканини алоҳида қайд этишни истардим.

Шу билан Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг Ўзбекистон Республикасига давлат ташрифи ниҳоясига етди.

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

## СУД БАНКРОТЛИК

### ёхуд Самарқанд вилоятидаги учта

**Бугунги кунда кўп йиллардан буён фаолият кўрсатиб келаётган катта-катта завод ва фабрикалар сафига янги, хусусий ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъектлари ҳам қўшилди. Бунинг устига бозорларимизга хориж товарлари ҳам кириб келмоқда. Табиийки, бундай шароитда ўз-ўзидан рақобат пайдо бўлади. Шундай экан, энди ташқи ва ички бозорда маҳсулот рақобатбардошлигига эришиш корхона раҳбарларининг ишбилармонлиги ҳамда ишнинг аниқ режа ва қатъий тартибда йўлга қўйилишига ҳам боғлиқ бўлади.**

Ўтган 2005 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармаси "8 Март" очиқ акциядорлик жамияти, "М.А.Ховренко номидаги Самарқанд вино комбинати" очиқ акциядорлик жамияти ва "Самарқандмармар" очиқ акциядорлик жамиятларини банкрот, деб эълон қилиш тўғрисида вилоят хўжалик судига ариза билан мурожаат этган эди.

Бу пайтда бир вақтлар ўз маҳсулотлари билан харидорлар ўртасида катта мавқега эга бўлган "8 Март" очиқ акциядорлик жамиятининг жами кредиторлик қарзлари 196077,0 минг сўмни, муддати ўтган қарзлари 26214,4 минг сўмни ташкил этган.

Жами бўлиб 650 нафар ишчи ўрнига эга корхона банкрот деб топилса, шунча хонадон аҳли моддий ва маънавий жиҳатдан қийналиб қолиши шубҳасиз.

Фабрикада олтита цех бўлиб, барчаси 1990 йилда Япония, Германия, Италия ҳамда Польшадан келтирилган замонавий техника ва ускуналар билан жиҳозланган. Ҳар бир цехда икки юз нафаргача ишчи меҳнат қилади.

— Мен қирқ уч йилдан буён шу фабрикада ишлайман, — дейди кекса ишчилардан бири Надежда Семёновна. — Кўплаб шогирдларим бор. Раҳбарлар ва касаба уюшмаси қўмитаси иштирокида бўлиб ўтган йиғилишда барча ходимлар бир овоздан корхонамизга банкротлик таомилини қўлламасликни вилоят хўжалик судидан сўрашни таклиф қилди...

Суд корхонага иқтисодий ночорликни бартараф этиш учун ўттиз кун муддат берди. Шу қисқа вақтдан унумли фойдаланган жамоа кескин ўзгаришлар қилишга улгурди. Яъни жамиятнинг кредиторлик қарзи 100 миллион сўмга қисқариб, 21,5 минг сўмни ташкил этди. Ходимларнинг август-сентябр ойлик иш ҳақлари тўлиқ тўланиб, Россия Федерацияси корхоналари билан ҳамкорлик тўғрисида музокаралар олиб борилди.

— Иқтисодий жиҳатдан ночорлашиб қолаётган корхоналар, хўжалик юритувчи субъектларнинг инқирозга юз тутаётгани ачинарли, албатта, — дейди вилоят хўжалик суди раиси Улуғмурод Эрназаров. — Бундай оқсашлар давлат иқтисодиётига ҳам таъсир кўрсатмасдан қолмайди.

Агар мамлакат иқтисодиётини катта бир занжирга ўхшатадиган бўлсак, ночорликка тушиб қолган корхоналар заиф халқани эслатади. Уларнинг жамият иқтисодиётига зарар етказишининг олдини олишнинг иккита йўли мавжуд: ё банкрот корхонани тугатиш ёки инқироздан чиқариб, соғлом мулк секторини ташкил қилишдир.

Банкротлик билан боғлиқ ишларни қонуний ҳал этиш ўз навбатида хўжалик судлари фаолиятининг устувор йўналишларидан биридир.

2005 йил давомида вилоят хўжалик судида 100 та банкротлик ишлари кўрилиб, 97 та корхона банкрот, деб эътироф этилди. 73 та банкрот корхона тугатилиб, давлат реестиридан чиқарилди.

Хўжалик суди имкон қадар банкротлик ҳолатига тушиб қолган корхоналар мол-мулкини талон-тарож қилинишининг олдини олиш, кредиторларнинг моддий манфаатларини тўлиқ қондирилишини таъминлаш, иқтисодий ночор корхоналар раҳбарлари фаолияти устидан тегишли назоратни амалга ошириб, банкротлик таомилларидан кенг фойдаланиб, ночор корхоналарни қайта тиклаш ҳамда ишлаб чиқариш имкониятларини оширишга кўмаклашмоқда.

Мисол учун "8 Март" очиқ акциядорлик жамиятининг 2005 йил 1 июл ҳолатига жами кредиторлик қарзлари 196077,0 минг сўмни, шундан муддати ўтган қарзи 26214,4 минг сўмни ташкил қилган. 2005 йил 1 октябр ҳолатига кўра тўловчанлик қобилияти 2,06 бирликни ташкил этган.

**Баҳор қор кўксини ёриб чиққан жасоратли бойчечаги билан гўзал! Қаттиқдан қаттиқ тошларда кўкарган минг бир хил ҳидли, минг бир тусли гиёҳлари билан ҳайратли!**

**Бош бармоғингиздай келадиган жажжи қушчанинг сайроғи тонгни уйғотади! Қуёшнинг бир қучоқ шуъласидан бир анҳор муз тўлқин-тўлқин сув бўлиб оқади! Баҳорнинг ҳар нафаси мўъжизалар бошлаб келади, ҳар лаҳзасида сеҳр бор! Аммо унинг Наврўзи накд мўъжизанинг ўзи! Чунки Наврўзнинг фақат кўрки эмас, ўзгача ғурури, сурури бор!..**

# НАВРЎЗ — ЮРАКЛАРНИНГ ҲУРЛАНИШ ЧОҒИ



Наврўз бизнинг қадим ўлкамизга минг-минг йиллардан буён худойимнинг қутлуғ бир фурсатида — кун ва тун тенглашган бир паллада ташриф буюради. Тангрининг ҳеч рад этиб бўлмас адолатининг намойиш этиб келади гўё.

Баъзан давраларда "Кечаги шўро замонида нега айнан Наврўзга кўз тикдилар? Чиройи учунми? Эл-улуснинг қиш аёзларидан толиққан руҳиятига жонланиш бергани учунми?" — деган саволлар айланиб қолади. Ҳақиқатан ҳам, Наврўз нега таъқиб остига олинди?

Бу саволнинг жавоби бир қарашда жуда оддий туюлади? Бир қарашда эса жуда мураккаб.

Ахир, Наврўз том маънода табиат байрами. Буни собиқ тузум мафкурачилари ҳам яхши билишган. Шу билан бирга улар бу байрам халқимизнинг руҳиятидан мустаҳкам жой олганини, агар унга тажовуз қилишса, одамларнинг ҳам руҳиятини синдиришини, унинг миллий қадрияти, ўтмишидан айириб ташлаб, манқуртга айлантиришни кўзлашган. Шу нопок ниятни амалга ошириш учун минг битта уйдирмани ўйлаб топишган.

Одатда, Наврўзни деҳқонлар бошлаб беради. Чунки улар офтобнинг нур қўллари тегиб юмшаган тупроққа илк уруғни айнан Наврўз куни қадайдилар. Ўша куни дала бошига кўзи меҳнатда, суяги заҳматда қотган кексалар чиқишади. Улар чўккалаб тупроқ рангини, тафтини кўрадилар. Худди гўдак бошини силагандай тупроқни силаб, сўнг дуога қўл очадилар.

— Худойим сувидан, нуридан қисмасин!

— Билагингга куч, оёғингга қувват берсин!

Сўнг ўзлари икки қадам жойга уруғ сочиб беришади...

Хўш, бу моҳият-эътибори билан эзгу ва хайрли амал эмасми? Шунингдек, Наврўзда қиш қорларида эгилган, бели букилиб қолган дарахтлар тикланади, баъзиларига тиргович қўйилади. Ҳосил бермайдиган, ортиқча юк бўлиб ётган шохларидан халос этилади.

Бир сўз билан айтганда, Наврўзнинг барча амаллари, барча удумларида жасорат, уйғониш, жонланиш бор.

Тоғ ён бағирларида тулпорларнинг кўзларидан юлдуз сачратиб, туёғидан учқун чақнатиб, кўпкарига кирган чавандозлар суронида ғолибликка интилиш руҳи бор. Етти ёшдан етмиш ёшгача давра тузиб ўтирган майдонлардаги полвонларнинг олишувларида, ҳакамнинг "ҳалол" деган ҳайқириғида кураш завқи бор.

Момоларнинг қия тахтага гавҳардай тизган, ҳар гал покланиб, "бисмиллоҳ", дея сув қуядиган буғдойларида, сумалак учун ундираётган кўкларида покизаликка эътиқод, ҳалолликка ихлос, ҳаромга раддия бор.

Шукрки, мустақиллик Наврўзни яна халқимизга қайтарди.

Беруний бобомиздан ёдгор тарих китобларида қайд этилишича, қадим-қадимда ҳам Наврўзда одамлар бир-бирларига ширинликлар улашган. Оммавий сайллар уюштиришган. Бу сайлларда ёш-яланглар арғимчоқ учишган. Ёши улуғлар тупроққа, баъзан бир-бирларига ҳам сув сепганлар. Бу удумларнинг ҳаммасини эзгулик, баландликка ҳавас уйғотишга интилиш каби амаллар бирлаштиради.

Мустақиллик йилларида халқимизнинг эзгу удумлари янгича мазмун, янгича жозиба ва кўрк билан бойиди. "Ҳовлимиз, кўчамиз, маҳалламиз, шаҳримизни гулзорга айлантирамиз", деган азму қарорлар истиқлол меваси. Ҳозир юртимизнинг олис шаҳру қишлоқларига борсангиз, ҳатто дала четларида гуллар очилиб ётади. Бу фақат табиатга эҳтиром эмас, киши кўнглида гўзалликнинг кўз очгани.

Мен хизмат сафари билан Хоразмга — Ўзбекистон Қаҳрамони раҳматли Машариф ака Қувоқовнинг хўжалигига борганман. Маълумки, воҳада ёз иссиқ келади. Сув тақчил. Гул тугул тиканлар ҳам ҳароратнинг зўридан қовжираб қолади. Аммо қаҳрамон раис хўжалигининг буғдойзорлари, шоналаган пахтазорлари четларида гуллар очилиб ётганини кўриб ҳайратга тушганман. Фермер хўжаликлари аъзолари, ҳатто уларнинг жимитдай-жимитдай болалари ҳам бу гулларни қумғонлаб суғорар эканлар. Ваҳоланки, улар бу гулларни сотмайди, бу гуллардан даромад кўрмайди. Аммо гўзаллик учун заҳмат чекади. Бу – табиатга эҳтиром! Бу — Наврўз ато этган кўклам, кўкаришни севиш дегани, аслида!

Яна бир гал Андижонга борганман. Айнан Наврўз арафасида қор ёққан. Ўшанда атиргуллар ғунчага кирган пайт эди. Шунда Андижон шаҳридаги ташкилот раҳбарлари тунда атиргулларни босиб қолаётган қорларни силкитиб, тушириб туришганини кўрганман. Улар ҳар икки соатда навбат алмашиб, то тонг отиб, ҳаво илигунга қадар қор қоқишган. Нима учун? Бор-йўғи атиргул ғунчалари музлаб қолмаслиги учун, юртдошлари Наврўзни атиргул билан қаршилашлари учун. Мана шундай юраклардаги нақшлар ҳам қадрланаётган қадриятлар билан уйғонади. Агар шундай бўлмаса, ёзнинг жазирамасида қип-қизил саҳрода атиргул гуллармиди? Муҳаббатли қалбда ишқивозлик, иштиёқмандлик бўлади. "Фарзанднинг учун терак эк", деган юраклар хоҳишига ҳамоҳанг, қалбга яқин даъват ҳам мустақиллик даврида одамларни яхшилик атрофида бирлаштирди.

Наврўз нафақат ўзининг қадимий қадриятлари, истиқлол давридаги янги кўринишлари билан ҳам бирлаштирувчи, жипслаштирувчи анъаналарни яратди. Шаҳру қишлоқларимизда ҳашар йўли билан гузарлар, спорт мажмуалари қуриш, мактаб, боғчаларни ҳомийлик маблағлари асосида таъмирлаш кўпинча мана шу гўзал байрам кунлари амалга оширилади. Эл-улус айнан ана шундай кунларда ўзининг ўзгалар олдидаги — миллатдошлари, юрти олдидаги қарздорлик ҳиссини теранроқ англайди.

Паркент туманида истиқомат қилувчи Фарҳод исмли бир тадбиркор йигитни биламан. У бир суҳбатимизда қуйидаги воқеани ҳикоя қилиб берган:

— Отасиз ўсганман. Маълумки, отасиз оилада моддий қийинчилик кўп бўлади. Лекин менинг бола кўнглим мусиқага ишқибоз. Тор, дойра — хуллас, бирор-бир мусиқий асбоб чалгим келади. Аммо уларнинг бирортасини сотиб олишга қурбим етмайди. Ана шундай кунларнинг бирида яқин дўстим мусиқадан дарс олиш учун устозга қатнай бошлади. Болалик экан, мен ҳам бирга бордим.

— Сен ҳам ўзингга аккардион олиб кел, — деди устоз.

Мен ўртоғимнинг аккардионига термулдим. У устозга қаради... Хуллас, мен мусиқа асбоби ололмаганим учун чалишни ўрганолмай қолиб кетдим. Мана, вақти келиб, худо менга ҳам мол-мулк, давлат берди. Энди ана шу давлатимнинг бир қисмини ҳамқишлоқ болалар учун сарфлаяпман...

Ўшанда Фарҳод футболчи болаларга ҳомийлик қилар эди.

Бундай меҳр ҳам, меҳрибонлик ҳам одам кўнглида ўз-ўзидан уйғонмайди. Фарҳодни, фарҳодларни ҳомийликка ундаган куч На-

**Munavvar lahzalar**

врўзда наврўзона ясанган юртга кўнгли бут, соғлом болалар вояга етиши учун пойдевор қўймоқ истагидир.

Маълумки, қадим-қадимдан кексалар, беморлар, узоқ-яқин қариндош-уруғлар, кўнгли ярим қўни-қўшнилар ҳам Наврўз куни йўқланади. Дастурхон тузаб, эл-юрт учун хизмат қилганлар, бугун кексаликка юзма-юз келиб, бир оғиз ширин сўздан яшашга иштиёқ олаётганлар Наврўз дастурхонининг тўрига ўтказилади.

Наврўз кунларида ҳавода сумалак иси, гул иси, меҳр иси қоришиб кетади. Болаларнинг беғубор юраклари варрак шаклида осмонларда учиб юради.

Аёллар чарсиллаб ёнаётган олов, тошчалари қўшиқ айтиб қайнаётган қаҳрабо ранг сумалак атрофида чилдирма чалиб, лапарлар айтишади. Ҳар гал тошларни айлантирар экан:

– Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин!

— Узоқ-узоқларга кетганларимиз бағримизга тўрт мучаси соғ-омон қайтиб келсин!

— Хасталаримизга Оллоҳ шифо берсин!

— Фарзандларимизга илму иймон берсин, яхши жойлардан ато этсин!

— Фарзандталабларга зурриёд ато этсин!.. — каби эзгу тилаклар айтадилар.

Бундай эзгу ниятлар Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд, Бухоро, Жиззах, Сирдарё тоғлари-адирларида Наврўз шарафига ўтказилаётган халқ сайилларида, Фарғона, Андижон, Наманган боғлари, хиёбонларидаги гўзал анжуманларда, Хоразм, қорақалпоқларнинг майдонларидаги дор ўйинлари, "Лазги" қайроқлари, "Дамбермес" оҳангларида ҳам янграйди. Ўзбекистон Наврўзида шодлик ва байрам шукуҳи кирмаган хонадон қолмайди. Пойтахтимизнинг гўзал гўшаларидан бири — Алишер Навоий номидаги Миллий боғимизда ўтадиган катта байрам тантаналари бор чиройи, завқ-шавқи билан халқимизнинг кўнглида узоқ-узоқ давом этади.

Ана шундай серзавқ кунларда ўзўзингдан шеър айта бошлаганингни ҳам билмай қоласан...

*Кўзларимга илоҳий бир*
*назар келди,*
*Қулоғимга жаранглаб*
*хушхабар келди,*
*Юрагимга сафар келди,*
*зафар келди,*
*Ўзбекистон тупроғига*
*баҳор келди.*
*Қуёш яна султон этиб*
*сайланади,*
*Камалаклар — кўкка*
*белбоғ – бойланади,*
*Қалдирғочлар — қўриқчи*
*қуш – сайланади,*
*Ўзбекистон тупроғига*
*баҳор келди.*
*Булут ёғар, ёғишлари*
*кумуш-кумуш,*
*Новдаларда тизим куртак*
*– оқ қуш, кўк қуш,*
*Бинафшали шаббодалар*
*нафаси хуш,*
*Ўзбекистон тупроғига*
*баҳор келди.*
*Тўлқин кучли: тош*
*қирғоқлар кемтилади,*
*Қизғалдоқлар чўққиларга*
*интилади,*
*Қишнинг қора аёзида*
*унутилади,*
*Ўзбекистон тупроғига*
*баҳор келди.*
*Қоракўзлар, баҳор бизнинг*
*баҳор бўлсин,*
*Тошни ёрган майса бахтдан*
*чопар бўлсин,*
*Чинакам бахт бизни излаб*
*топар бўлсин,*
*Ўзбекистон тупроғига*
*баҳор келди.*
*Баҳор билан юзи иссиқ*
*дилсўз келди,*
*Атиргулдан кўйлак кийган*
*Наврўз келди...*

**Кутлибека РАҲИМБОЕВА,**
**шоира**

**Huquqiy tarbiya**

***Ўзининг қонуний ҳақ-ҳуқуқларини билмаган одам, аввало, ўзини-ўзи ҳимоя қила олмайди. Қолаверса, ноҳақлик ёки бошқа ноқулай вазиятларда чорасиз қолади. Мамлакатимизда ҳуқуқий таълим-тарбияни яхшилаш ва аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган саъй-ҳаракатлар замирида ҳар бир фуқаронинг бу борадаги саводхонлигини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, мамлакатимизнинг қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлари натижасида ташкил топаётган фермер хўжаликларининг фаолиятини ҳам бугунги кунда ҳуқуқшунослар иштирокисиз тасаввур этиш қийин. Бу соҳада кадрлар тақчиллигига барҳам бериш мақсадида жойларда ҳуқуқшунослик йўналишида таҳсил берадиган коллежлар фаолият юритмоқда.***

# ПУХТА БИЛИМ – МАЛАКА ОМИЛИ



Қамаши туманининг Баландчайла қишлоғида жойлашган касб-ҳунар коллежида 739 нафар ўқувчи таълим олади. Коллеж ўтган йили эса Япония гранти асосида замонавий жиҳозлар, ўқув қуроллари билан таъминланди. Коллежда бошқа йўналишлар билан бир қаторда ҳуқуқшунослик ва ҳуқуқий хўжалик фаолияти йўналишларида иш юритадиган ҳуқуқшунос кадрлар тайёрланади.

Коллеж директори Али Анваров билим юртида ҳуқуқий таълимнинг яхши йўлга қўйилгани кўп йиллик тажрибага эга бўлган, ўз касбининг билимдон ва малакали педагоглар жамоасининг фидоий меҳнатлари билан боғлиқлигини таъкидлайди. Хусусан, Абдишукур Бобоқулов, Мавлон Шарипов, Узоқ Очилов, Ортиқ Умиров сингари устозлар дарсларнинг мазмунли ва қизиқарли олиб борилишида, амалий машғулотларнинг самарали ўтишида жонбозлик кўрсатишаётир. "Жиноят ҳуқуқи", "Фуқаролик ҳуқуқи", "Хўжалик ҳуқуқи" ва "Ҳуқуқшунослик" фанлари учун махсус жиҳозланган аудиториялар етарли даражада кўргазмали қуроллар билан таъминланган. Сабоқлар эркин суҳбат, савол-жавоб ва балл тўплаш асосидаги замонавий методикалар бўйича олиб борилади.

Битирувчи талабалар амалиётни шартнома асосида туман жиноят ишлари бўйича судида, ички ишлар бўлими ва солиқ инспекциясида, шунингдек, фермер хўжаликларида ўтайди. Коллеж педагоглар жамоаси билим юртини "аъло" баҳолар билан битириб, бугунги кунда эгаллаган мутахассисликлари бўйича иш юритаётган кадрлари билан ҳақли равишда фахрланади.

Коллежда мунтазам равишда "Сиз қонунни биласизми?", "Конституция ва ёшлар" мавзуларида амалиётчи ҳуқуқшунослар иштирокида беллашувлар, танлов ва баҳс-мунозара кечалари ўтказиб турилади. "Лейгист" ва "Фемида" гуруҳларига аъзоликка қабул қилинган иқтидорли ёшлар муайян тайёргарлик босқичидан ўтишгач, танловларнинг вилоят ва республика босқичларида иштирок этишади. Тўгарак машғулотларида уларни "Ҳуқуқшунослик" кафедрасининг тажрибали педагоглари фан сирларидан хабардор қилиб боришади. Ҳуқуқий фанлар бўйича ўтказилаётган тадбирларда 49-гуруҳ талабаларидан Абдулла Эрназаров, Дилором Бозорова, Севара Ғойипова, Лочинбек Худоёров, Шерзод Абдуллаевлар зукко ва ҳозиржавоблиги билан тенгдошларига ўрнак бўлишаётир.

Коллежда ҳар ҳафтанинг сешанбаси "Ҳуқуқий билимлар ва Ўзбекистон Конституциясини ўрганиш куни", деб белгиланган. Ҳафтанинг душанба куни дарс бошланишидан олдин талабалардан бири Конституциянинг бир моддасини ёддан айтиб, қисқача шарҳлаб беради. Бу жараён ўқувчиларни ҳар доим Конституция моддаларни эслаб туришдек фойдали ахборот билан таъминлайди. Конституцияни ўрганиш ўқув курсининг бош мақсади Асосий қонунда кафолатланган қоидалар ва улар асосида қабул қилинган қонунларни ўрганиш, уларга кундалик ҳаётда риоя қилиш зарурлигини талабалар онгига таъсирчан усул ва воситалар орқали сингдириб боришдан иборат. Зеро, ёш авлоднинг ҳуқуқий онгини, малака ва маданиятини тарбиялаш ҳуқуқий демократик ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этишнинг асосий шартидир.

**Ғози РАҲМОН,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

# XXI АСР НАФАСИ

***воқеалар, хабарлар, тафсилотлар***

## ФРАНЦИЯ: ИШ ТАШЛАШЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Икки ҳафтадан буён Францияда давом этаётган иш ташлашларга ёш мутахассисларни иш



билан таъминлаш ҳақидаги қонун сабаб бўлган эди. Янги қонунда иш берувчилар ёш мутахассисларни икки йилга қадар ҳеч бир огоҳлантиришсиз ишдан бўшатишлари мумкинлиги белгиланган.

Хорижий оммавий ахборот воситаларининг ёзишига қараганда, душанба куни норозилик намойишига чиққанларнинг сони бир ярим миллион нафардан ошган. Шунга қарамасдан, ҳукумат намойишчиларга ён босаётгани йўқ. Франция бош вазири Доминик де Вильпен душанба куни матбуот орқали чиқишида янги қонун ўз кучида қолишини таъкидлаб ўтди. Шунингдек, у янги қонун мамлакат меҳнат бозорини яхшилаши ва ишсизликни камайтиришга хизмат қилиши ҳақида фикр билдирган.

## АНГЛИЯ: "УЭМБЛИ" СТАДИОНИ ЁПИЛАДИМИ?

Жаҳон футбол ишқибозлари Лондон шаҳрида жойлашган "Уэмбли" стадионини яхши билишади. Дунёга машҳур ушбу стадион 1923 йилда қурилган бўлиб, анча вақтдан буён таъмирга муҳтож эди.

2000 йилда ушбу ёпиқ ўйингоҳнинг том қисмида жиддий нуқсонлар мавжудлиги ҳақида турли миш-мишлар тарқалди. Шу боис мутасаддилар бу стадионда вақтинча учрашувлар ўтказишни таъқиқлаб қўйишди.

"Reuters" ахборот агентлиги тарқатган хабарларга кўра, айни пайтда ушбу стадионни таъмирлаш ишлари билан австралиялик мутахассислар шуғулланишмоқда. Лекин куни кеча стадион томининг каттагина қисми қулаб тушган. Том қулаган пайтда стадионда 3500 нафар хизматчи ва қурувчилар бўлишган. Бахтли тасодиф туфайлигина ҳеч кимга жиддий шикаст етмаган. Айни пайтда воқеа сабаблари ўрганилмоқда.

## ПОЛЬША: УРУШГА ҚАРШИ НАМОЙИШ

"ИТАР-ТАСС" ахборот агентлиги хабарига кўра, 19 март куни Варшавада юзлаб урушга қарши инсонлар президент саройига талабнома билан мурожаат қилган. Норозилик намойиши қатнашчилари ҳукумат олдига зудлик билан Ироқдан поляк ҳарбийларини олиб чиқиб кетиш талабини қўйишган. Маълумотларга қараганда, талабномага ўн минг нафардан ортиқ польшаликлар имзо чеккан. Намойишчилар ва талабномани имзолаганларнинг асосий қисмини Польша ўқитувчилар иттифоқи аъзолари, талабалар ва "Йўқолсин уруш" жамоат ташкилоти аъзолари ташкил этган.

Намойишчилар президент саройи, бош вазир қароргоҳи ва АҚШнинг Варшавадаги элчихонаси атрофида "Истилони тўхтатинг!", "Маблағлар уруш учун эмас, камбағалларга берилсин!" каби шиорлар ёзилган плакатларни намойиш этишган. Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, намойиш Польша ҳарбийларининг Ироққа киритилганига уч йил тўлгани муносабати билан ташкил этилган.

Изоҳ: ўтган уч йил мобайнида Ироқда Польшанинг 17 нафар ҳарбий хизматчиси қурбон бўлган. Шунингдек, ўнлаб ярадорлар рўйхатга олинган.

## ИСРОИЛ: ПАРРАНДА ГРИППИ ТАҲДИД СОЛМОҚДА

Дунёнинг кўпгина мамлакатларида бўлгани каби Исроилда ҳам парранда гриппи хавфи таҳдид солмоқда. Шу сабабли Исроил ҳукумати бу борада бир қатор жиддий чора-тадбирларни ишлаб чиқишга мажбур бўлди.



Мамлакат қишлоқ хўжалиги вазирлиги баёнотида эса аслида Исроилда парранда гриппи аниқланмагани баён этилган. Лекин шунга қарамасдан, ҳукумат 500 мингта паррандани йўқ қилиш ҳақида қарор қабул қилган.

**Интернет материаллари асосида**
**Бобомурод РАЙИМОВ тайёрлади**

# ТАОМИЛИНИ ҚЎЛЛАМАДИ

## корхонанининг қандай қилиб иқтисодий инқироздан чиққани ҳақида

Бундан ташқари, 86,1 миллион сўм заҳира, 37,9 миллион сўмлик тайёр маҳсулотлар ва 102,6 миллион сўмлик дебиторлик қарзлари мавжуд бўлган.

**"Банкротлик тўғрисида"**-ги қонуннинг 54-моддаси, 3-бандида **"Қарздорда етарли миқдорда ликвид мол-мулк борлигидан шоҳидлик берувчи далиллар бўлган тақдирда хўжалик суди қарздорнинг илтимосномасига биноан банкротлик тўғрисидаги ишни кўришни кейинга қолдиришга, қарздорга кредиторларнинг талабларини хўжалик суди томонидан белгиланган муддатга қондиришни таклиф этишга ҳақли, бу муддат ўттиз кундан ошмаслиги керак"**, дея қайд этилган.

Суд корхона маблағларидан самарали фойдаланаётганини ва қисқа муддат ичида ижобий ишларни амалга оширгани учун амалдаги қонунлар ҳамда кредиторларнинг йиғилиш қарорлари, аризачи хулосаси ва корхона ишчиларининг мурожаатларини ҳисобга олиб, иқтисодий ночорликдан чиқиш учун корхонага ўттиз кун муддат берди.

Бу вақтдан унумли фойдаланган корхона раҳбарияти Россия Федерациясининг "SOGO LTD" масъулияти чекланган жамияти билан қиймати 1.600 000 АҚШ долларини ташкил этадиган миқдорда ишчи кийимлари тикиб бериш учун шартнома имзолаган.

Берилган муддат тугагач, суд корхона барча кредиторлик қарзларидан тўлиқ қутулгани ҳамда аризачининг бу тўғрисидаги хулосаларини ҳисобга олган ҳолда **"Банкротлик тўғрисида"**ги қонуннинг 56-моддаси, 5-қисмини қўллаб, банкротлик иши юзасидан иш юритишни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Демак, айтиш мумкинки, корхона тўлиқ инқироздан чиқиб олди.

Шунингдек, "М.А.Ховренко номидаги Самарқанд вино комбинати" очиқ акциядорлик жамиятининг тўловчанлик қобилияти 2005 йил 1 ноябр ҳолатига кўра 2,1 бирликни ташкил этган. Жами 1831,8 миллион сўмлик айланма маблағга эга корхона 843,1 миллион сўм айланма маблағдан самарали фойдаланиш имкониятига эга бўлган.

Корхона раҳбарлари билан кредиторлар ўртасида 538.622 минг сўмга келишув битими имзоланган. Иш ҳақидан 25,0 миллион сўмлик қарздорликни босқичма-босқич қоплаш режаси ишлаб чиқилиб, ходимлар томонидан тасдиқланган. 17 та кредитор ташкилот билан 536,2 миллион сўм қарзларни бир йил муддат давомида тўлаш ҳақида келишув битими тузилган.

Корхона бу каби бажарган ишлардан ташқари 550.595 минг сўмлик тайёр маҳсулотлари мавжудлиги, активлар 1.321.171 минг сўмни, дебиторлик қарзлари 510.649 минг сўмни, жами ликвидли мол-мулки 1.831.820 минг сўмни ташкил этиб, бу кредиторлик қарзларини қоплашга етарли экани тўғрисида судга хат ва ҳужжатлар тақдим этган.

Суд ушбу корхонага ҳам амалдаги қонунларнинг тегишли бандлари асосида ўттиз кун муддат берган.

Комбинат берилган муддатда кредиторлар билан 536,2 миллион сўм қарзларини бир йил ичида тўлаш учун келишув битимларини тузган. Коммунал тўловларни тўлиқ тўлаган. Солиқ ва бошқа мажбурий тўловларнинг 337.308,1 минг сўмини тўлаб, қолган 34640,7 минг сўми декабрь ойи жорий тўловлари ташкил этишини маълум қилган.

Шундан сўнг суд **"Банкротлик тўғрисида"**ги қонуннинг 56-моддаси, 3-қисмини, Хўжалик процессуал кодексининг 86-моддаси, 7-бандини қўллаб, муваққат бошқарувчининг ҳисоботини тинглаб, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси хулосаси асосида ушбу корхонага нисбатан банкротлик таомилини қўлламаган.

Афсуски, юқоридаги икки корхона каби "Самарқандмармар" очиқ акциядорлик жамияти ҳам танг аҳволга тушиб қолган эди. Унинг 2005 йил 1 июл ҳолатига кўра кредиторлик қарзи 42646,0 минг сўм бўлиб, шундан 7120,0 сўмини муддати ўтган қарзлар ташкил этган.

Бу корхонанинг ҳам банкротлик исканжасидан қутулишга ҳаракат қилгани судга тақдим қилинган ҳужжатларда ўз аксини топган.

Кредиторлар йиғилиши корхонани оғир вазиятдан чиқариш мақсадида келишув битими тузиш тўғрисида қарор қабул қилган.

**"Банкротлик тўғрисида"**-ги қонуннинг 150-моддасига

**Jarayon**

кўра, кузатув, суд санацияси, ташқи бошқарув ва тугатишга доир иш юритиш жараёнида хўжалик суди томонидан келишув битимининг тасдиқланиши банкротлик тўғрисидаги иш юритишнинг тугатилишига асос бўлади.

Корхона билан "Ўзқурилишматериаллари" акциядорлик компанияси ўртасида келишув битими тузилиб, муддати ўтган 5187,8 минг сўмлик кредиторлик қарзларининг тўлов муддати 2006 йил охиригача узайтирилган.

Суд тақдим этган ҳужжатлар асосида ўттиз кунлик кузатув муддати жорий қилган. Корхона шу муддат давомида аввало, бюджет олдидаги қарзларини узган ҳамда ходимлар иш ҳақларини тўлиқ ҳисоб-китоб қилган. Кредиторлар билан келишув битимини имзолаб, қарзларни босқичма-босқич тўлашга келишиб олган.

Суд амалдаги қонунлар ва хўжалик процессуал кодексининг тегишли моддалари ҳамда аризачининг хулосаларига асосланиб, "Самарқандмармар" очиқ акциядорлик жамиятига нисбатан ҳам банкротлик таомилини қўлламади.

Ҳа, вазият яхши томонга ўзгарди. Муаммолар имкон қадар ҳал қилинди. Бу учта корхона қаддини тиклаб, иқтисодий инқирозни енгиб чиқди. Натижада минглаб ишчи ўринлари сақлаб қолишди.

**Муҳаббат РАВШАНОВА**

Mulohaza uchun mavzu

# ЯХШИ СЎЗ – ЖОН ОЗИҒИ

***Инсоннинг сиҳат-саломатлиги, узоқ умр кўриши, авваламбор, уни ўраб турган табиий воқелик, ижтимоий ҳаёт, кундалик муносабат, соғлом турмуш тарзи, овқатланиш тартиби, оила барқарорлиги каби омиллар билан бир қаторда муомала маданиятига ҳам узвий боғлиқдир.***

Инсон асаби шунчалар нозикки, унга ҳар қандай номатлуб сўз, беўхшов ҳаракат салбий таъсир кўрсатади. Бундай ҳолатларда асаб мувозанати бузилиб, турли хасталиклар келиб чиқиши мумкин.

Шарқ халқлари, жумладан, ўзбекларда сертакаллуфлик, ширинсуханлик каби инсоний фазилатлар қадимий удумларимиздан ҳисобланади. Бундай муносабат киши руҳиятига озуқа берувчи омиллар эканини таърифлашга ҳожат йўқ, чунки у ҳаммамизга равшан ҳақиқат.

Айтишларига қараганда, очиқ юзли, хушхулқ, хушмуомала одам ҳар доим андишали ва юксак одоб эгаси бўлади. Ўзида шундай фазилатларни мужассам қилган инсон билан суҳбатда бўлиш кишига руҳий кўмак беради, инсон кайфиятини кўтаради. Аксинча, дағал сўзлар, бекорчи гаплар кишида нохуш кайфият уйғотади, унинг асабига салбий таъсир кўрсатади.

Сирасини айтганда, биргина ноўрин сўз билан кишини дардманд қилиб қўйиш мумкин. Чунки одамнинг асаб тизимлари организмнинг барча аъзоларини идора қилиб турувчи восита ҳисобланади. Қўпол сўз эса асаб орқали кишининг маълум аъзоларини фалажлаши ёки унга шикаст етказиши аниқ. Аксинча, ширинсуханлик инсоннинг дардига даво бўлади, руҳиятини кўтаради.

Халқимиз бежизга "Яхши сўз жон озиғи" деб айтмаган. Топиб айтилган бир оғиз эзгу калом кишига маънавий қувват бағишлайди. Унинг кўнглини кўтариб, ҳаётга янгича қарашга асос бўлади.

Маълумки, тиббиётда деонтология номи билан юритиладиган соҳа мавжуд бўлиб, унда асосан шифокорларга тегишли бўлган беморларга нисбатан ўта назокатли, ширинсуханлик билан ёндашиш лозимлиги қайд этилади. Демак, киши қандай аҳволда ва шароитда бўлмасин, унга иложи борича ширин муомалада бўлиб, руҳиятига ижобий озиқ берилиши даркор. Шифокор беморнинг дардига малҳам бўлувчи, кайфиятини равшанлаштирувчи, кўнглини кўтарувчи сўзларни айтиш лозим. Беморга нисбатан бундай хайрихоҳлик билан кўрсатилган муносабат, сўзсиз, беморнинг ҳаёт учун курашувчан иммунобиолигик захираларига уйғунлик бағишлайди ва бундай беморлар хасталикдан тезроқ фориғ бўлишади.

Бундан 30 йил бурун шундай воқеага гувоҳ бўлганмиз. Бир аёлни тез ёрдам машинасида шифохонага олиб келишди. Шифохонадагилар расмий равишда беморни қабул қилиб, палатага ётқизишди. Эртасига палата шифокори келиб аёлни кўрикдан ўтказар экан, ҳали ташхиси тўлиқ аниқланмаган бемордан: "Сизнинг поччангиз ҳам шу касаллик билан вафот этган-а?", — деб сўраб қолди. Аёлнинг поччаси ҳақиқадан ҳам оғир касалликдан вафот этгани аниқ эди. Аммо шифокорнинг беморга бу воқеани эслатиши ўтакетган фаҳмсизликдан бошқа нарса эмас. Аслида аёлнинг касали енгил бўлиб, 14-кунда соғ-саломат уйига қайтади. Аммо шифокорнинг бу ножўя гапини у узоқ вақт эслаб юради.

Яна бир ҳаётий мисол келтирамиз. Бир бемор сурункали дардга чалинади, у шифокорга дардини баён этиб, нажот сўрайди. Шифокор уни атрофлича кўриб, бемор олдида касбдошига қараб, бу одамда "канцер" бўлса керак, деб ўзича ташхис қўяди. Кўрикда бўлган бемор ўта қизиқувчан одам бўлганлиги туфайли уйига қайтгач, "канцер" атамасининг тиббий мазмунини билиб олади. Бу атама оғир хасталик — саратон хасталиги эканидан огоҳ топиб, шу куннинг ўзида юрак хуружидан вафот этади. Кейинчалик потологоанотомик таҳлиллар натижасида вафот этган беморга мутлақ бошқа, яъни даволанса бўладиган "меъда жароҳати" ташхиси қўйилган.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак инсон соғ-саломат ва умри боқий бўлиши учун мустаҳкам асаб тизимга эга бўлиши зарур. Бунда бизларни "боғлаб" турадиган муомала маданияти муҳим аҳамият касб этади. Ҳаётда ҳар бир киши ўз суҳбатдоши билан қанчалик самимий, дўстона, назокат, латифлик билан муомалада бўлса, кўзланган мақсадга шунчалик тез эришилади ва маънавий даражамиз ҳам шунга яраша янада юқори бўлади.

**Содиқ МЎМИНОВ,**
**тарих фанлари номзоди**

Jinoyat anatomiyasi

***Жиноятнинг тури кўп. Айтайлик, товламачилик, ўғрилик, босқинчилик... Шунингдек, жиноятчиларнинг ҳам тақдири ҳар хил кечади. Кимдир бу қоронғу кўчага тасодифан кириб қолади. Содир этган қилмишининг моҳиятини англагач, тезда тавба қилиб, осуда ҳаёт қучоғига қайтади. Яна биров эса яратган томонидан яхшиликлар қилиш учун берилган умрини жиноятчиликка "бағишлайди". Қуйида ана шундай кимсалар ҳақида сўз юритмоқчимиз.***

# ХАЗОН БЎЛГАН УМРЛАР

Келинг, уларнинг қора қилмишлари ҳақида ҳикоя қилишдан аввал бир қур таржимаи ҳолларига назар ташлайлик.

Василий Алмазов ва Артём Рибаковларнинг таржимаи ҳоли бир хил бошланган ва энг қизиғи, бу ажралмас "дўст"ларнинг ҳаёти ҳам худди икки томчи сувдек бир-бирига ўхшаш. Уларнинг ҳар иккаласи Узоқ Шарқдаги аёллар қамоқхонасида туғилган. Бу шўрпешона чақалоқларнинг оналари мастликда қотилликка қўл уришган.

Аёллар қамоқхонасидаги тартибга биноан, чақалоқлар уч ҳафталик бўлгач, уларни болалар уйига ўтказишган. Шундан кейин ҳар иккала "меҳрибон онажон" фарзандлари тақдири билан бирор марта ҳам қизиқиб кўришмаган. Табиийки, дунёга келиб, бир бор она меҳрига қонмаган болалар ҳам ўз волидаларини излаб топишини хаёлларига келтиришмаган.

Вақтни югурик дарёга ўхшатишади. Бу бежиз эмас. Чунки инсон кўз-очиб юмгунча вояга етади. Икки дўст ҳам ўн тўрт ёшида болалар уйидан қочишга муваффақ бўлишади. Лекин озодлик уларга татимайди. Улар уч кундан сўнг милиция ходимлари томонидан жиноят устида қўлга олинади. Ўша куни ўзларини қаҳрамон ҳисоблаган Василий ва Артём кимнингдир чўнтагидан ўмарилган пул эвазига спиртли ичимлик истеъмол қилишади. Кейин "қўтир кўнгилга кўҳна жамошов" деганларидек, ўзларини шер ҳисоблай бошлайди. Бошқача айтганда, уларнинг кўнгиллари янаям шоҳона "маишат"ни истаб қолади. Шу мақсадда кўчага чиққан икки дўстнинг олдидан қоронғу тушганда репетитордан қайтаётган мактаб ўқувчиси чиқиб қолади. Қоронғуда, бунинг устига, ёлғиз ўзи келаётган қизча бир зумда уларнинг "ўлжа"сига айланади. Улар аввалига Ольганинг бошидаги қимматбаҳо телпагини, қўл телефони ва унга тегишли бошқа моддий бойликларини талон-тарож қилишади. Ольганинг тинимсиз қаршилик қилишидан қутуриб кетган "қаҳрамон"лар уни ўлгудек дўппослашади. Кейин эса вояга етмаган қизчани зўрлашади. Шу чоғ тасодифан хиёбонда милиция машинаси пайдо бўлади. Ҳар иккала жиноятчи воқеа жойида қўлга олинади ва суд уларга беш йиллик муддатга қамоқ жазоси белгилайди. Жазонинг тўрт йилини болалар колониясида ўтказган Василий ва Артём сўнгги бир йилни ўн саккиз ёшга тўлгани учун катталар қамоқхонасига ўтказади. Болалар колониясида муштумзўрлик қилиб юрган йигитчалар, катталар қамоқхонасида агар озгина муболаға билан айтсак, тўғридан-тўғри дўзахга бориб тушгандек бўлади. Қисқаси, иккала йигитча қамоқдан "тузалиб" эмас, аксинча, ўзларининг таъбири билан айтганда, "қасоскор" бўлиб чиқишади.

Табиийки, қамоқдан чиққач, уларни кутиб оладиган на ота-онаси, на бирор-бир қариндош-уруғи бор эди. Шунинг учун улар, энг аввало, қаровсиз уйлардан бирининг ертўласини макон тутишди. Озодликнинг роҳатбахш ҳавоси уларни меҳнатга эмас, аксинча, яна жиноят сари етаклади. Аввалига уларнинг тўйиб ичгиси, кейин эса, "маишат" қилгиси келиб қолди. Лекин бунинг учун пул керак эди. Пул эса йўқ...

Улар икки кун қай йўсин пул топишни режалаштиришди. Ва ниҳоят, бунинг йўлини топишди ҳам. Пул топишни энг осон йўли улар учун тунги киракашларни тунаш бўлиб туюлди. Одатда, ҳамма ерда ҳам тунги киракашлар кундузгига нисбатан йўловчилардан кира ҳақини бир неча баравар қиммат олишади. Демак, шунга яраша уларда пул ҳам кўп бўлиши керак. Бу икки "дўст"нинг хулосаси эди...

Озодликка чиққанларининг учинчи куни Василий қаердандир эски ов милтиғи ва бир қанча патрон топиб келди. Улар "ов"га чиққан биринчи кечада бир ҳайдовчининг саккиз юз рубль, иккинчисининг эса бор-йўғи бир юзу эллик рублини шилиб олишди. Ана шу арзимаган пул учун ҳеч иккиланмасдан ҳар иккала ҳайдовчини нариги дунёга жўнатишди. Лекин бу пул уларнинг "эҳтиёжи"ни қондирмади.

Эртаси Василий ва Артём тундаги "ўлжа" ҳисобидан роса маишат қилишди. Кетма-кет ичилган арок яна уларни «шер»га айлантирди ва ярим тундан сўнг қирқма милтиқни қўлтиқларига қистириб "ов"га отланишди. Йўлда уларга "Ассоль" фирмасига тегишли машина ҳайдовчиси Анатолий Савинов дуч келди. Йигитлар Анатолийдан тонгга қадар ишловчи барлардан бирига олиб бориб қўйишни сўради. Кимсасиз чорраҳалардан бирига келганда Артём ҳайдовчига "ўзини ёмон ҳис қилаётганини" айтди ва машинани тўхтатишни сўради. Ҳеч нарсадан шубҳаланмаган Анотолий машинани йўл четида тўхтатди. Кутилмаганда орқа ўриндиқдан отилган ўқ унинг юз ва бўйин қисмини ялаб ўтди. Чунки шошиб қолган Василий мўлжални аниқ ололмаган эди. Албатта, бир кеча аввал икки ҳамкасбининг бошига тушган кўргуликдан Анатолий Савинов ҳам яхши хабардор эди. Шунинг учун ҳам у кутилмаганда машинадан сакраб тушиб, ўзини дарахтзор орасига урди. "Шерик"лар негадир уни қувиб ўтиришмади. Шунчаки пўписа қилиб, ортидан бир-икки марта ўқ узишди. Афсуски, улар бу машина салонидан ҳам ўзлари ўйлаган катта пулни топиша олмади. Машина олд қутисида бор-йўғи бир юзу эллик рублга яқин пул бор экан. Бу маблағга эса икки шиша арок, бир буханка нон ва ярим кило бодринг олиш мумкин эди. Шунинг учун ҳам улар "ов"ни давом эттиришга келишиб олишди... Кайфлари тароқ бўлгани боис қочиб кетган ҳайдовчини ҳам бутунлай унутишди.

Бу орада дарахтзорга бекинган Анатолий Савинов қўл телефонидан аввал "Ассоль" фирмаси навбатчисига, кейин эса ички ишлар бўлимига қўнғироқ қилди. Табиийки, фирма навбатчиси тунги маршрутда бўлган барча такси ҳайдовчиларини огоҳлантирди. Милиция ходимлари эса воқеа содир бўлган жойга етиб келди. Анатолий Савинов кўп қон йўқотгани боис шифохонага ётқизилди.

Кайфи тароқ қаҳрамонларимиз эса ҳеч нарсадан чўчимасдан "Волга" автомашинасини тўхтатишди. Ушбу машина "Русская тройка" фирмасига қарашли бўлгани учун ҳам ҳайдовчи Сергей Абрамов юз берган воқеадан ҳали бехабар эди. Шунинг учун ҳам икки йигитни ҳеч иккиланмасдан машинасига олди. Яна аввалги сценарий такрорланди. Одам кўзидан холироқ жойга борганда, Артёмнинг "мазаси қочиб қолди" ва машина йўл четига тўхтади. Сергей ҳеч кутмаган ҳолда орқадан ўқ овози янгради ва у оғриқдан бақириб юборди. Буни қарангки, Василий яна мўлжални нотўғри олган экан. Шунинг учун шоша-пиша милтиқни ўқлаб, яна отди. Бу гал эски милтиқ панд берди — у отилмай қолди.

Шунда Артём тезлик билан белидаги камарни ечди ва ҳайдовчининг бўйнидан бўға бошлади. Сергей ҳар қанча ҳаракат қилмасин, икки ёвузнинг қўлидан қутула олмай, воқеа жойида жон берди. "Шерик"лар ҳайдовчининг жасадини шундайгина йўл четидаги буталар орасига ташлаб, машина рулига ўтиришди ва воқеа жойидан ғойиб бўлишди...

Энди йигитчалар ўзларини худди кинодаги "қўлга тушмас қасоскорлар"дек ҳис қила бошлашди. Шунинг учун ҳам қотиллар бемалол тунги барларнинг бирига кириб, хурмачалари тўлгунча "отишди". Кейин "Волга"га ўтириб, ўзларининг қароргоҳлари — қаровсиз уйнинг ертўласига равона бўлишди...

Тонг отгандан сўнг яқин атрофда яшовчилар милиция бўлимига қаровсиз уй олдида "Волга" маркали такси машинаси тургани ҳақида хабар қилишди. Орадан ўн беш дақиқа ўтар-ўтмас етиб келган тезкор гуруҳ машина марҳум Сергей Абрамовга тегишли эканини аниқлади. Шунингдек, машина салонидан жиноят қуроли бўлган қирқма милтиқ ва етти дона патрон ҳам топилди. Бу пайтда икки "қаҳрамон" мазза қилиб ухлаб ётишган эди. Улар шу даражада кўп ичганларидан ҳатто қўлларига кишан солинганда ҳам кўзларини оча олишмади...

Яқинда ушбу жиноят юзасидан суд бўлиб ўтди. Василий Алмазов ва Артём Рыбаков Россия Жиноят кодексининг уч моддаси – қотиллик, атайлабдан инсон соғлигига оғир шикаст етказувчи хатти-ҳаракат қилиш ва босқинчилик билан айбланди. Суд ҳар иккала қотилга йигирма йил қамоқ жазоси белгилади. Лекин марҳум ҳайдовчиларнинг қариндош-уруғлари суднинг бу ҳукмидан норози. Чунки озодликнинг тўрт кунида кетма-кет уч марта қотилликка қўл урган Василий ва Артёмни бир умрлик қамоқ жазосига ҳукм қилиш керак.

**Мансур КАРИМОВ**
**тайёрлади**

Istak

***Наврўз кунларида қалб тўридаги энг ширин тилакларини изҳор этиш халқимизга хос азалий хусусият. Чунки йил бошида — янги кунда айтилган эзгу тилак йил бўйи одамларга ҳамроҳ бўлиши аниқ. Одатда бундай кезларда юрт тинчлиги, халқ саломатлиги, эл хотиржамлиги, фарзандлар камоли, оилалар аҳиллиги-ю, бутунлиги, дастурхон тўкинлиги сўралади. Бундан ташқари, бир йил мобайнида нималарга эришдик, дея ўз фаолиятимизни сарҳисоб қиламиз.***

# МЕҲР НУРИ БОҚИЙДИР

Шу маънода йил бошида амалга оширган ишларимиз ва янги режаларимиз хусусида фикр юритмоқчимиз. Ўтган йили бир қатор хайрли ишларни амалга оширдик. Бўлимимизга ёндош ҳудудда вилоят туғруқхонаси, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш акушерлик ва ва гинекология институти жойлашган. Бу эса мазкур тиббий муассасалар шифокорлари ҳамда вилоят, шаҳар ҳокимликлари хотин-қизлар қўмиталари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда ишларни маромига етказиб бажаришимизга имкон бермоқда.

Шаҳримизнинг Алишер Навоий номидаги маҳалласида узоқ йиллар адлия идораларида хизмат қилган, бугунги кунда кексалик гаштини сураётган Абдували ота Норқулов билан Ойсулув она Норқулованинг, шунингдек, Улуғбек номидаги маҳаллада яшовчи Райим ота Даминов билан Зеби она Даминоваларнинг "Олтин тўй"лари кўпчиликнинг ёдида қолди. Ўнлаб кексаларнинг бундай "Кумуш тўй", "Олтин тўй" тадбирлари ёшларни жамиятимизга муносиб, мустаҳкам оила қуриб яшашларида ибрат-намуна вазифасини ўтаётир.

Байрам арафасида ёш хотин-қизлар ўртасида турли қизиқарли кўрик-танлов ўтказилди. Бўлимимиз қошида ҳар ойда икки марта "Оила дорилфунуни" машғулотлари ўтказиб келинмоқда. Ёш никоҳланувчиларга оила сабоқлари берилаётирки, бу ўз навбатида барпо этиладиган янги оиланинг жамиятдан муносиб ўрин олишига кўмак бўлаётир.

Кези келганда шуни айтиб ўтиш кераккки, бўлимимизда никоҳланувчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш тартибига қатъий амал қилиняпти. Мактабларда эса балоғат ёшига етмаганлар вақти-вақти билан тиббий кўрикдан ўтказилиб турилибди. Шифокорлар, хотин-қизлар қўмиталари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар бўлими билан ҳамкорликда фаолият юритилаётгани туфайли никоҳдан ажралишлар сони ўтган йилларга нисбатан кескин қисқарди. Ўтган 2005 йилда 3366 та туғилиш, 1357 та никоҳ қайд этилган бўлса, ажралиб кетиш хавфи бўлган бешта оила сақлаб қолинди.

Яна бир қувончли воқеа шуки, Аббосовлар хонадонида бир йўла уч эгизак туғилди. Ҳасан, Ҳусан, Фотималарнинг туғилганлик гувҳномаларини тантанали равишда топширдик. Тантана пайтида оила қувончига яна бир қувонч қўшилди. Вилоят ҳокимлиги оилага янги уйнинг калитини берди. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, Наврўз бу йил ҳам фақат қувончли кунлар, хушхабарлар олиб келсин. Одамлар қалбини меҳр янада нурлантираверсин.

**Мунира КАРИМОВА,**
**Жиззах шаҳар ФҲДЁ**
**бўлими мудираси**



## ЭЪЛОН!

**Сурхондарё вилоят адлия бошқармаси Узун, Бандихон туманлари давлат нотариал идораларидаги биттадан бўш давлат нотариуслиги лавозимларига танлов эълон қилади.**

**Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари танлов эълон қилинган кундан бошлаб, 1 (бир) ой муддат ичида Сурхондарё вилояти адлия бошқармаси ҳузуридаги нотариат бўйича Малака комиссиясига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:**

**1. комиссия номига ариза;**

**2. паспорт нусхаси;**

**3.белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;**

**4.меҳнат дафтарчасининг нотариал тасдиқлаган нусхаси;**

**5. нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нотариал тасдиқланган нусхаси;**

**6. нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлиб, лекин 3 йил мобайнида нотариус лавозимида иш бошламаган талабгорлар — қайта малака имтиҳонини топширганлиги ҳақида малака комиссиясининг қароридан кўчирма;**

**7. Адлия вазирлиги ёки Адлия бошқармасида нотариат ишига бевосита раҳбарлик қилиш билан боғлиқ вазифаларда ишлаб келаётган талабгорлар тегишлича, Адлия вазирлиги раҳбарияти ёки адлия бошқармаси бошлиғи томонидан имзоланган ҳамда ушбу талабгорнинг ишлаб келаётган лавозими ва ўз лавозимига мувофиқ унга юклатилган вазифалар аниқ кўрсатилган маълумотнома;**

**8. охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.**

**Аризалар 2006 йил 16 апрелгача қабул қилинади. Танлов вилоят адлия бошқармаси биносида ўтказилади.**

Mitti maslahat

***Жиноят ҳуқуқи назариясида жиноятнинг оддий ёки мураккаб эканини аниқлашда унинг таркиби қандай тузилгани инобатга олинади. Агар муайян жиноят таркибининг ҳар бир белгиси биттадан иборат бўлса, бундай қилмиш оддий жиноят деб, аксинча, бир жиноят таркибининг бирорта белгиси (ёки бир неча белгиси) икки ёки ундан ортиқ бўлса, бундай қилмиш мураккаб жиноят, деб қаралади. Тегишли жиноят таркибининг қайси белгиси (ёки белгилари) икки ёки ундан ортиқлиги масаласи қонун чиқарувчи томонидан ҳал қилинади.***

# ОДДИЙ ВА МУРАККАБ ЖИНОЯТ

Ҳуқуқий адабиётларда мураккаб ягона жиноятларнинг давомли, узоққа чўзилган, мураккаб айбли, таркибли, муқобил ҳаракатлар билан содир этиладиган ва маъмурий тартибда таъқиб қилингандан сўнг қайта содир этилганда жиноят деб баҳоланадиган турлари кўрсатилган. Мураккаб айбли жиноятлар юридик адабиётларда баъзан икки айбли, баъзан оғир оқибатлар келтириб чиқарадиган жиноятлар деб юритилади.

Амалдаги жиноят қонунида мураккаб айбли жиноятга таъриф берилган. Жиноят кодексининг 23-моддасига мувофиқ, **"агар шахснинг қасддан жиноят содир этиши натижасида эҳтиётсизлик орқасида бошқа ижтимоий хавфли оқибатлар юз берган ва шундай қилмишни қонун қаттиқроқ жавобгарлик билан боғлаган бўлса, бундай жиноят қасддан содир этилган деб топилади".**

Мазкур таърифдан келиб чиқадиган бўлсак, бизнингча, мураккаб айбли жиноятнинг белгилари қуйидагилар:

**- шахс жиноятни фаол хулқ-атвор, яъни ҳаракат ёрдамида содир этади;**

**- шахс содир этган жиноятнинг субъектив томони айбнинг ҳар икки шаклида (ҳам қасд, ҳам эҳтиётсизлик) мавжудлиги билан характерланади;**

**- шахс содир этган жиноят оқибатида бир неча жиноий оқибатлар юз беради;**

**- қилмиш натижасида юзага келган оқибат қонунда алоҳида жиноят сифатида баҳоланиши мумкинлигига қарамасдан, қасддан содир этилган жиноятнинг зарурий белгиси, деб қаралади.**

Мураккаб айбли жиноятга жабрланувчининг ўлимига сабаб бўлган қасддан баданга оғир шикаст етказиш (Жиноят кодексининг 104-моддаси, учинчи қисми "д" банди) ва жиноий тарзда ҳомилани тушириш (аборт) оқибатида жабрланувчининг ўлимига ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлиш (Жиноят кодексининг 1140-моддаси учинчи қисми "а" ва "б" бандлари) каби жиноятлар мисол бўла олади. Бу мисолларда ҳам шахс хатти-ҳаракатларида бир вақтнинг ўзида айбнинг иккита белгисини кузатиш мумкин.

Ҳар икки жиноят учун жавобгарликни назарда тутувчи моддаларнинг тегишли қисмлари санкциясига эътибор берсак, қонунда бундай қилмишларнинг оқибатлари учун қаттиқроқ жавобгарлик назарда тутилганига гувоҳ бўламиз.

**Саодат АГЗАМОВА,**
**ҳуқуқшунос**

ИНСОН ва ҚОНУН

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

2003 йил 29 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 078-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир: Шодиқул ҲАМРОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Бўритош МУСТАФОЕВ, Ихтиёр АБДУЛЛАЕВ, Пўлат САМАТОВ, Мавжуда РАЖАБОВА, Хуршид СОДИҚОВ, Сайфиддин РАҲИМОВ, Маҳмуд САТТОРОВ, Ислом ҲАМРО, Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.

Навбатчи: Бобомурод РАЙИМОВ

Саҳифаловчи-дизайнер: Фарҳод ХЎЖАНАЗАРОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди, А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-515. Тиражи — 4339. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди —

МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 133-70-65, 133-84-50

2 3 4 5 6